



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 3 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2025

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Аминова Азиза Марковна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент ирригация ва кишлок  
хужалигини механизациялаш  
муҳандислари институти  
Миллий тадқиқот университети

**Худайқулов Тулқин Дўстбоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз дала педагогика институти

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Халикова Раҳбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариш давлат университети

**Маҳкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафасва Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Андижон давлат университети

**Расулов Абдуллажон Нуридиневич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозогистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозогистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Тожибоев Музаффар Турдибоевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ИИВ Академияси

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Саипова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор  
Ўзбекистон Миллий университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Гулистон  
давлат педагогика институти

**Нуруллаева Шоира Кушназаровна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Урганч давлат университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети  
**Масъул котиб**

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исаков Бахадир Нигматуллаевич**  
тарих фанлари номзоди,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Холмуродов Дилшод Рашидович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Жиззах давлат  
педагогика университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети  
**Масъул котиб**

**Тўхтабасев Аъзамжон Шарипхўжаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Алимардонов Отабек Қудратович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


<b>1. Лазизахон Алиджанова</b> БЕРУНИЙНИНГ ҚИЁСИЙ ДИНШУНОСЛИККА ОИД ИЛМИЙ ЁНДАШУВИ.....	5
<b>2. Шоҳрух Гулбаев</b> ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ТЎХОРИСТОН.....	9
<b>3. G‘ulom Djumamurotov</b> XVIII ASR VA XIX ASR BOSHLARIDA QORAQALPOQLARNING O‘RTA OSIYO XONLIKLARI VA ROSSIYA BILAN SIYOSIY VA IQTISODIY ALOQALARI.....	13
<b>4. Bahodir Isakov</b> O‘ZBEKISTONDA TURIZM MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHDA TARIXIY MEROSNING O‘RNI.....	20
<b>5. Parvina Ismoilova</b> TURKISTONGA RUS BANKLARINING KIRIB KELISHI (XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARI).....	24
<b>6. Икрамжон Исмаилов</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1991-2020 йй.).....	29
<b>7. Парвиз Магеррамов</b> ВЗАИМООТНОШЕНИЯ АЗЕРБАЙДЖАНА СО СТРАНАМИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В ОБЛАСТИ ТРАНСПОРТА.....	37
<b>8. Sayyora Turayeva</b> XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA TURKISTON MINTAQASIDA XORIJIY JAMIYATLARINING KONCHILIK SOHASIGA KIRIB KELISHI TARIXIDAN.....	44
<b>9. Дмитрий Епифанов</b> ЭФФЕКТИВНЫЕ СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА ПРЕПОДАВАТЕЛЕМ ПО ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА НА ПРИМЕРЕ CHATGPT.....	55
<b>10. Зебунисо Саидова</b> ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ЁШ-ЖИНСИЙ ТАРКИБИ ДИНАМИКАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР).....	65
<b>11. Nishona Hasanova</b> MARKAZIY OSIYODA BOG‘-XIYOBON SAN’ATI VA CHORVACHILIKNING RIVOJLANISH TARIXI.....	74
<b>12. Ўткиржон Хошимов</b> ҚАЙТА ҚУРИШ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЛМ-ФАН СОҲАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	79



**Зебунисо Амануллаевна Саидова,**  
Иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси ўқитувчиси,  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

### **ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ЁШ-ЖИНСИЙ ТАРКИБИ ДИНАМИКАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР)**

**For citation:** Zebuniso A. Saidova. THE FORMATION OF THE AGE AND GENDER STRUCTURE OF THE POPULATION AND DEMOGRAPHIC PROCESSES IN UZBEKISTAN (LATE 19TH – 20TH CENTURY). Look to the past. 2025, vol. 8, issue 3, pp.65-73

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15132846>

#### **АННОТАЦИЯ**

Мақолада XIX аср охири ва XX аср давомида Ўзбекистондаги демографик вазият чуқур таҳлил қилинган. Унда аҳоли ўсиши, ёш тузилиши ва асосий тенденцияларга алоҳида эътибор қаратилган. Аҳоли сонига таъсир этувчи омиллар, жумладан, туғилиш, ўлим, миграция ва умр кўриш давомийлиги баҳоланган. Шунингдек, аҳолининг қариши каби долзарб демографик муаммолар ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эҳтимолий таъсирга алоҳида эътибор берилган.

**Калит сўзлар:** демография, аҳоли, туғилиш, ўлим, миграция, ёш тузилиши, аҳоли қариши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш.

---

**Зебунисо Амануллаевна Саидова,**  
преподаватель кафедры Экономической и социальной географии,  
Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

### **ФОРМИРОВАНИЕ ДИНАМИКИ ВОЗРАСТНО-ПОЛОВОГО СОСТАВА НАСЕЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ И ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ (КОНЕЦ XIX – XX ВВ.)**

#### **АННОТАЦИЯ**

Статья предоставляет глубокий анализ демографической ситуации в Узбекистане в конце XIX в течение XX вв., акцентируя внимание на росте населения, его возрастной структуре и ключевых тенденциях. Оцениваются факторы, влияющие на численность населения, такие как рождаемость, смертность, миграция и продолжительность жизни. Особое внимание уделяется актуальным демографическим вызовам, включая старение населения, и их возможному воздействию на социально-экономическое развитие страны.

**Ключевые слова:** демография, население, рождаемость, смертность, миграция, возрастная структура, старение населения, социально-экономическое развитие.

**Zebuniso A. Saidova,**Lecturer at the Department of Economic and Social Geography,  
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek**THE FORMATION OF THE AGE AND GENDER STRUCTURE OF THE  
POPULATION AND DEMOGRAPHIC PROCESSES IN UZBEKISTAN (LATE 19TH –  
20TH CENTURY)****ABSTRACT**

The article provides an in-depth analysis of the demographic situation in Uzbekistan from the late 19th to the 20th century, focusing on population growth, age structure, and key trends. It evaluates factors influencing population dynamics such as birth rates, mortality, migration, and life expectancy. Special attention is given to current demographic challenges, including population aging, and their potential impact on the country's socio-economic development.

**Index terms:** demography, population, birth rate, mortality, migration, age structure, population aging, socio-economic development.

**1. Долзарблиги:**

Ўзбекистонда XIX аср охири ва XX аср давомидаги демографик жараёнларни ўрганиш ҳозирги замонда ҳам долзарб ҳисобланади. Бу жараёнлар мамлакат аҳолисининг сони ва тузилишига таъсир кўрсатган ижтимоий ва тарихий ўзгаришларни тушуниш имконини беради. Туғилиш, ўлим, миграция ва умр кўриш давомийлиги каби омиллар нафақат ўтмишдаги демографик кўринишни шакллантирган, балки мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ҳам таъсир этган. Ҳозирги кунда аҳоли ёши тузилишидаги ўзгаришлар, жумладан, аҳолининг қариши ва урбанизация каби муаммолар жамият ривожини учун янги ёндашувларни талаб қилмоқда. Ўтмиш тажрибасини таҳлил қилиш орқали бугунги куннинг мураккаб демографик жараёнларини яхшироқ тушуниш ва уларни барқарор ривожланиш стратегиялари орқали ҳал этиш мумкин.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақолада Ўзбекистондаги демографик вазиятни таҳлил қилишда миқдорий ва сифатли тадқиқот усуллари, расмий статистика ва халқаро ташкилотлар маълумотлари, шунингдек, демографик прогнозлаш ва статистик таҳлил усуллари қўлланилган. Ташкилотлар ва ҳудудлар орасидаги демографик фарқлар ҳамда иқтисодий-ижтимоий омилларнинг аҳоли динамикасига таъсири солиштирилган.

Ўзбекистондаги демографик жараёнлар ва уларнинг турли тарахий даврлардаги динамикаси ҳамда давлат ва жамият тараққиётига бўлган таъсири қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, ўрганилаётган давр бўйича илмий изланишлар қуйидаги тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган: Қорахонов М., Муллажонов И., Бўриева М., Маҳмудов Н. ва б. Уларнинг илмий асарларида аҳолининг туғилиши, унинг пасайиши ёки ўсиши сабаблари, ёш-жинсий таркиб масалалари ҳамда бунинг жамият раванқи билан ўзаро боғлиқлиги ва б. омиллар тадқиқ этилган.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Дунё ҳудудларининг демографик ривожланишида аҳолининг жинсий ва ёш таркиби асосий омиллардан бири ҳисобланади, чунки жинсий муносиблик никоҳга киришга, янги оилалар шаклланишига авлодлар давомийлигига имконият яратади. Аҳоли таркибида ёшлар (16-29 ёш) салмоғининг юқорилиги никоҳ ва туғилиш жараёнига ижобий таъсир этса, болалар (0-14 ёш) салмоғининг кўплиги эса меҳнат ресурслари шаклланишида муҳим омилдир [6].

Дунёдаги барча ҳудудлар қатори Ўзбекистон аҳолисини ёш-жинсий таркибининг шаклланиши ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар ўлканинг тарихий тараққиётига, аҳолининг ижтимоий иқтисодий турмуш тарзига боғлиқдир. Ўзбекистонда аҳоли сони, демографик жараёнлар, таркиби, жумладан, ёш-жинсий таркиби ҳақидаги батафсилроқ

статистик маълумотлар илмий манбаларда, асосан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мавжуддир [7]. Олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар кўрсатишича ҳар бир тарихий даврда, шу даврнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси таъсирида, аҳолининг ёш-жинсий таркиби шаклланган. Ушбу мақолада Ўзбекистонда аҳолининг ёш-жинсий таркибининг ўзгариши ва унга таъсир қилувчи омилларни қўйидаги тарихий-демографик даврларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари.
2. 1917-1939 йиллар.
3. Иккинчи жаҳон уруши даври (1940-1945 йиллар).
4. 1946-1990 йиллар.
5. Мустақиллик даври.

#### **Биринчи давр. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари.**

Бу давр шартли равишда XIX аср иккинчи ярмидан ва XX аср 17-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Аҳолишунос олимлар Б.И.Урланис, М.Н.Қорахонов, И.Р.Муллажоновларнинг олиб борган илмий изланишларига кўра, Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда XIX аср охири – XX аср бошларида туғилиш юқори даражада бўлган, бироқ ўлимнинг ҳам юқорилиги аҳолининг секин кўпайишига сабаб бўлган.

XIX–XX асрлар ўлкани Чор Россия босиб олган бўлиб, содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар аҳолининг турмуш тарзини янада оғирлаштирди. Ўша даврда ўлкада жуда кўп юқумли касалликлар тарқалган бўлиб, аҳолига тиббий хизматнинг етишмаслиги туфайли минглаб аҳоли ҳаётдан кўз юмди. 1892 йилдан буён, Ўзбекистонда олти марта вабо эпидемияси бўлиб, аҳоли ўлими кўпайди [12].

Ўрганилаётган даврда, ўлкада ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг оғирлиги, тиббий хизматни етишмаслиги туфайли аҳоли орасида ўлим кўпайган бўлиб, 35-39 промиллени ташкил этган, айниқса аёллар ва болалар орасида ўлим даражаси юқори эди. Бир ёшгача бўлган ҳар 1000та боладан 300-380 баъзи йилларда 500-600таси ўлган. Мутахассисларни фикрича болалар ўлими 65-70%ни ташкил қилган [10]. Аёлларнинг фарзанд кўриш давридаги ўлими эса 2,3%ни ташкил этган бўлиб, аёлларнинг ўлими юқори даражада бўлганлигининг яна бир сабаби аёлларнинг ижтимоий тенгсизлиги эди. Жумладан, турмуш қуриши ўзларининг хохишисиз ҳал қилинган ва қизлар жуда эрта 9-14 ёшларида эрга берилган. Ўзбекистонда ҳар 1000 та 15 ёшгача бўлган аёллардан 10 таси; 15-16 ёшгача бўлган ҳар 1000 та аёллардан 379 таси ва 17-20 ёшгача бўлган ҳар 1000 аёллардан эса 741 таси никоҳда турган ёки оилали бўлган. Демак: 35-40 % қизлар 16 ёшга қадар турмуш қуришган [3].

Ўзбекистонда, қадимда, қизларнинг эрта 15-16 ёшларда турмуш қурганликлари, демограф олимлар М.К.Қорахонов, И.Р.Муллажонов, М.Р.Бўриевалар олиб борган тадқиқотларда ҳам ўз ифодасини топган. Қизларнинг эрта турмуш қуриши натижада, жуда кўп ҳолларда ҳали балоғатга етмаган ёш қиз организми заҳарланиб, узоқ муддат бола кўрмас ёки умуман бола кўриш қобилиятини йўқотган. Шунинг учун ўзбек аёллари орасида бола кўрмаслик ҳоллари кўп учраган. Масалан, тиббиёт олимаси А.А.Шорохованинг маълумотига қараганда XX аср бошларида ҳар 1000 ўзбек оиласидан 29,8 боласиз оилалар бўлган, [1] ҳомиладор аёлларнинг аҳволи эса яна ҳам оғир эди. Ҳомиладорликнинг 5 фоиздан кўпи бола тушиш, ўлик туғилиш, вақтига етмай туғилиш ва болалар ўлими каби ҳоллари билан яқунланарди. Табиийки, бундай ҳоллар, аёллар саломатлигига салбий таъсир кўрсатар ва кўпгина аёллар ўлимига сабаб бўларди. Оилада эр-хотиннинг ажралиши эр ихтиёрида бўлган. Манбаларда қайд этилишича, 1894 йилда содир бўлган 100 та қотилликдан 29 тасида аёллар ўлдирилган. Унинг сабаблари, асосан, хотин эрининг жонига теккан, эридан бесўроқ кўчага чиққан, фақат қиз тукқан ва ҳ.к. [4]. Ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашган аёллар аҳволи ҳам анча оғир эди. Улар жуда оғир шароитларда ишлар эдилар. Шунга қарамаздан ўзбек аёлининг иш ҳақи эркакларга ва бошқа миллат аёлларига қараганда анча паст эди.

Тиббий уйлар ўлка аҳолиси учун жуда кам бўлиб, уларда дорилар, тиббий асбоблар етишмас эди. Қишлоқ жойларда эса аёлларга тиббий ёрдам деярли кўрсатилмас эди. Масалан, 1895 йили бутун Бухоро шаҳар аҳолисига 2 та врач, 3 та фельдшер (1 таси аёл) хизмат қилган [9]. Ўлканинг бошқа худудларида ҳам деярли шу аҳвол бўлган. Тиббий хизматнинг етишмаслиги натижасида жуда кўп аёллар фарзанд кўриш пайтида ҳам нобуд бўлган. Умуман, ўтмишда ўзбек аёлларининг оғир турмуш тарзи, тиббий хизматларнинг етишмаслиги аёллар ўлимининг жуда юқори бўлишига олиб келган. Бу ҳол аҳоли ўртасида аёллар салмоғининг камайиб кетишига сабаб бўлган.

Ўзбекистонда инқилобгача бўлган даврда туғилиш ва ўлим даражаси юқори бўлиб, табиий кўпайиш кўрсаткичи паст эди. М.Р.Бўриеванинг маълумотиغا қараганда, 1897-1917 йиллар Ўзбекистон аҳолиси йилига ўртача 0,4%га кўпайган. Ўлим кўрсаткичининг юқорилиги, асосан, ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг оғирлигидан бўлиб, айниқса аёллар орасида ўлим кўп бўлган. Бу эса ўз навбатида аҳоли жинсий таркибида аёллар салмоғининг камайишига олиб келди. 1897 йил маълумотларига кўра, аёллар мамлакат аҳолисининг 46,4 %ини ташкил қилган. Республикадаги иқтисодий ва ижтимоий аҳволнинг оғирлиги аҳоли ўртача умр кўриш даврининг қисқа бўлишига ҳам сабаб бўлган. Ўтмишда Ўзбекистон худудида яшовчи аҳолининг ўртача умр кўриш даври 32 ёш бўлган, холос [5].

**Иккинчи давр (1918-1939 йиллар)** инқилобдан кейинги давр бўлиб, Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар рўй берди. Бу ўз навбатида аҳолининг турмуш тарзини яхшилаиб боришига сабаб бўлди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳам қатор амалий ишлар олиб борилди. Туркистон ўлкасида мавжуд касалхоналар, амбулаториялар ва бошқа тиббий хизмат ташкилотлари давлат тасарруфига ўтказилди. Ўлкада соғлиқни сақлаш давлат тизими ташкил топди. Аҳоли орасида тарқалган юқумли касалликларга, эпидемияларга қарши қаттиқ кураш олиб борилди. Касалхоналар, лабораториялар ташкил этилди. Ўзбекистонда чечак, вабо, ришта, безгак, трахома каби касалликлар тугатилди. Соғлиқни сақлаш тизими ривожланиб, Тошкентдаги йирик шифохоналар тор доирага ихтисослашган кўз, қулоқ ва асаб касалликлари бўлимлари ташкил этилди. Самарқанд, Кўқон ва Фарғона болалар касалхоналари очилди. Касалхоналарда янги услубларда даволашлар йўлга қўйилди.

1924 йилга келиб республикада 53 та касалхона, 151 та амбулатория муассасаси (шулардан 79 таси қишлоқ жойларда), 40 та фельдшерлик пункти бор эди. Уларда 371 нафар фармацевт фаолият кўрсатар эди [13]. Халқ хўжалигининг бошқа соҳалари қатор тиббиёт соҳасида ҳам мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берилди. 1918 йилда Тошкентда дастлабки тиббиёт ўқув юрти Охунбобоев номли тиббиёт билим юрти, қисқа муддатли жаррохлик, фельдшерлик, ҳамширалик курслари очилди. 1919 йилда эса тиббиёт олий мактаби ташкил этилиб, 1920 йилда бу мактаб Ўрта Осиё Давлат университети таркибида олий маълумотли тиббиёт ходимлари тайёрловчи факультетга айлантирилди. 1925 йилга келиб вилоят марказларида тиббиёт марказлари очилди. Университет таркибидаги тиббиёт факультети 1931 йили ТошМИ (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)га айлантирилди. Самарқандда ҳам тиббиёт институти очилди. Айни вақтда Ўрта Осиё республикалари учун врачлар малакасини ошириш институти, фармацевтика институти очилди. Табобат соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш кучайтирилди. Ушбу даврда врачлар, тиббиёт ходимлари тайёрланиб, шаҳарлар, қишлоқ аҳоли пунктларига юборилди. Натижада ўлканинг қатор шаҳарлари саноат корхоналари ва қишлоқларда поликлиникалар, амбулаториялар ва касалхоналар очилиб, аҳолига хизмат қила бошлади.

Ушбу даврда аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ўзгарди. Улар оилада ижтимоий ишлаб чиқаришда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлди. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими ривожланди. Буларнинг ҳаммаси, аҳоли ҳаётида ижобий ўзгаришларга олиб келди. Айниқса аёллар ўлимининг кескин камайиши аҳолининг умумий миқдоридида аёллар салмоғининг кўтарилишига сабаб бўлди. 1939 йил аҳоли рўйхати маълумотиغا қараганда Ўзбекистонда аҳолининг 49,4 %ини аёллар ташкил этди ва аҳоли таркибида эркаклар ва аёллар салмоғи деярли тенглашди [2].

Инқилобдан кейинги 1918-1939 йилларда аҳолининг турмуши яхшиланиб, ўлканинг демографик ҳолатида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилади. Агар 1913 йилда туғилиш даражаси 47,0 %они, ўлим даражаси 30,2 %они ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1935 йилда мос равишда 36,6 % ва 15,8 %они ташкил этди, яъни деярли 2 баробарга камайди [8].

Бу даврда туғилиш кўрсаткичининг пасайиши кузатилсада, лекин аҳоли орасида, айниқса, аёллар ва болалар ўртасида ўлим ҳолатлари кескин камайиши аҳоли сонининг ошиб боришига сабаб бўлди. Мазкур йилларда, аҳолининг табиий ўсиши 6,6 %одан 20,6 %ога етди [11]. Агар 1897-1917 йилларда Ўзбекистон аҳолиси йилига ўртача 0,4%га кўпайган бўлса, 1917-1939 йилларда бу кўрсаткич 1,7%они ташкил этган. Бу даврда аҳоли сони ўлим кўрсаткичининг камайиши, туғилиш ҳамда аҳолининг ўртача умр кўриш ёшининг узайиши ҳисобига тез суръатлар билан ўсиб борди.

### Учинчи давр. Иккинчи жаҳон уруши йиллари (1940-1945 йиллар).

Учинчи давр Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келиб, урушга СССР таркибидаги барча республикалар қатори Ўзбекистондан ҳам минглаб эркаклар сафарбар этилди. Уруш даврида саноатнинг деярли ҳамма тармоқларида асосий эътибор қурол-яроғ, жангчилар учун кийим-кечак, озиқ-овқат ишлаб чиқаришга қаратилган эди. Ўлкада уруш туфайли иқтисодий ва ижтимоий аҳвол анча оғирлашди, очарчилик юзага келди.

Иккинчи жаҳон урушининг салбий таъсири, қатор демографик жараёнларда ҳам акс этди. Уруш йилларида туғилиш камайиб, ўлим кўрсаткичи ошиб борди. Ўлим 1941-1945 йиллари 2-3 баробарга кўпайди. Бунинг биринчи сабаби кўпчилик эркакларнинг урушда ҳалок бўлгани бўлса, иккинчидан республикада халқнинг аҳволи оғирлашиб аҳоли ўртасида ўлим ҳолларининг кўпайганлигидир. Ўзбекистон аҳолиси 1940 йилдаги 6 млн. 551 мингдан 1945 йилда 5 млн. 197 мингга тушиб қолди, яъни 1 млн. 354 мингга камайди [3]. Мазкур йилларда никоҳдан ўтиш сони ҳам икки мартага қисқарди. 1940 йилда 49,3 минг никоҳ қайд этилган бўлса, бу кўрсаткич 1945 йилда 26,7 минггани ташкил этган. Яъни, шу давр мобайнида никоҳлар сони 22,6 минггага камайган. Бу ҳол ўз навбатида туғилишнинг камайишига олиб келди. 1940 йил туғилишнинг умумий коэффициенти 33,8 %они ташкил этган бўлса, 1945 йил 18,1 %они ташкил этиб, туғилиш деярли икки баробарга камайди. Уруш йилларида ўлимнинг кескин кўпайиши, туғилишнинг нисбатан камайиши, аҳоли табиий ўсиш кўрсаткичининг пасайишига сабаб бўлди. Айнан юқорида келтирилган йилларда табиий ўсиш 20,6 %о дан 8,8 %о гача камайган.

1-диаграмма - Ўзбекистонда ҳар 1000 эркакка тўғри келган аёллар миқдорининг ўзгариб бориши\*



\*Жадвал қуйидаги адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида тузилган: Муллажонов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. Ташкент, 1983. С.121; Народное хозяйство УзССР. – 1972 г. Ташкент, 1973. С.10; Женщины в Республике

Узбекистан. Ташкент 1993. С.5; Численность населения Республики Узбекистан на 1995 г. Ташкент, 1996 г.; Численность населения Республики Узбекистан на 1 января 1999 г. Ташкент, 2000. С.63-69.

Иккинчи жаҳон уруши (1940-1945) йилларида Ўзбекистон аҳолисининг жинсий таркибида кескин ўзгариш кузатилади.

Минглаб эркакларнинг урушдан қайтмаганликлари туфайли, аҳолининг 20 ва ундан юқори ёш гуруҳларида аёллар салмоғи анча юқори эди. Натижада, 1940 йилга қадар аҳолининг жинсий таркибида эркаклар салмоғи устунлик қилиб келган бўлса, урушдан кейинги йилларда (1940-1945 йиллар) аксинча, аёллар салмоғи ошиб борди.

Ўтказилган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, 1939 йилда эркаклар 50,6%ни, аёллар 49,4%ни ташкил этган бўлса, 1959 йилга келиб, аҳоли жинсий таркибида эркаклар улуши камайганлиги, яъни эркаклар 48%, аёллар 52%ни ташкил этгани кўринади. Юқорида келтирилган 1-диаграммада, Ўзбекистонда ҳар 1000 та эркакка тўғри келган аёллар миқдорининг (1865-2000 йиллар) ўзгариб боришини кузатиш мумкин.

### **Тўртинчи давр (1946-1990 йиллар).**

Урушдан кейинги йиллар ва ундан сўнг кечган даврларда (1946-1990 йиллар) халқнинг ижтимоий, иқтисодий аҳволи тикланиб борди. Шу билан бирга, демографик жараёнларда ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилди. Мазкур йилларда Республикада аҳоли сони асосан туғилишнинг юқорилиги ва ўлим кўрсаткичининг пасайиши ҳисобига ўсиб борди. Бу даврда Ўзбекистонда туғилишнинг энг юқори кўрсаткичлари кузатилиб, 1950 йил туғилишнинг умумий коэффиценти 30,8%ни ташкил этган бўлса, 1958-1962 йилларда туғилишнинг умумий коэффиценти 37%дан 39,8%га етди [10]. Туғилишнинг юқорилиги, 9 ёшгача бўлган болалар салмоғининг ошиб боришида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, 1926-1939 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, Ўзбекистон аҳолисининг умумий миқдорида 0-9 ёшдаги болалар салмоғи 23-24%ни ташкил этган бўлса, 1959-1989 йилларда 32,5% ва 32,6%ни ташкил этган [4]. Ўзбекистонда 1950-1990 йиллар мобайнида аҳоли сони тез суръатлар билан ўсиб борди. 1950 йилда аҳоли сони 6 млн. 194 минг кишини ташкил этган бўлса, 1990 йилда бу кўрсаткич 20 млн. 222 минг кишига етди. Яъни 1950-1990 йиллар мобайнида умумий аҳоли сони 3,3 баробарга кўпайди.

Ушбу даврда аҳоли жинсий таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилди. Жинсий номутаносиблик йўқолиб, аёллар ва эркаклар нисбати деярли тенглашиб борди. Республикада эркаклар ва аёллар нисбати тенглашиб боришини ҳар 1000 эркакка тўғри келган аёллар миқдори ҳақидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, 1939 йилда ҳар 1000 та эркакка 936 та аёл тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич шаҳарларда 943 та, қишлоқларда 932 та аёлни ташкил этган. 1959 йилда эса, ҳар 1000 та эркакка мос равишда 1038; 1124; 1064 та аёл тўғри келган. Аҳоли таркибида аёллар миқдори 51-52%ни ташкил этиб, бундай номутаносиблик, асосан, 35-60 ёшли аёллар сонидан кузатилади. 1975-1980 йиллардан бошлаб аёллар ва эркаклар нисбати деярли тенглашади.

### **Бешинчи давр. Мустақиллик даври.**

Бу давр мустақиллик йилларига тўғри келиб, 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистонда янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши натижасида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди ва бу ўзгаришлар унинг демографик вазиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Статистик маълумотлар Ўзбекистонда аҳолининг жинсий таркиби яхшиланиб борганлигидан далолат беради ва бу ўзгаришлар республиканинг барча вилоятларида кузатилади.

1959 йилда республиканинг барча вилоятларида ҳам аёллар салмоғи 51-54%ни ташкил этган. Сабаби, ушбу даврда хали Иккинчи жаҳон урушининг таъсири бўлган. Эркакларнинг кўпчилиги урушда ҳалок бўлганлиги оқибатида аёллар салмоғи анча юқори бўлган. 1959-1989; 1990-2000 йилларда Ўзбекистон ҳудудидаги Қорақолпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида аёллар ва эркаклар салмоғи

мутаносиблашиб борган. Тошкент шаҳри, Фарғона ва Хоразм вилоятларида аёллар салмоғи бир оз юқорироқ.

**Ўзбекистон вилоятлари аҳолисининг жинсий таркиби  
(жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида)\***

1-жадвал

Худудлар	1989 йил		1995 йил		2000 йил	
	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар
Ўзбекистон Республикаси	49,7	50,3	49,9	50,1	49,8	50,2
Қорақалпоғистон Республикаси	49,9	50,1	50,2	49,8	50,0	50,0
Андижон	49,6	50,4	49,8	50,2	49,8	50,2
Бухоро	49,2	50,8	49,7	50,3	49,7	50,3
Жиззах	49,9	50,1	50,1	49,9	49,9	50,1
Қашқадарё	49,6	50,4	49,8	50,2	50,0	50,0
Навоий	50,0	50,0	49,9	50,1	50,2	49,8
Наманган	49,7	50,3	50,0	50,0	50,1	49,9
Самарқанд	49,6	50,4	49,9	50,1	49,9	50,1
Сурхондарё	49,9	50,1	50,2	49,8	50,3	49,7
Сирдарё	49,0	51,0	49,2	50,8	50,1	49,9
Тошкент	49,9	50,1	49,8	50,2	49,6	50,4
Фарғона	49,7	50,3	50,0	50,0	49,8	50,2
Хоразм	49,6	50,4	49,7	50,3	49,6	50,4
Тошкент шаҳри	48,5	51,5	48,6	51,4	48,7	51,3

\*Жадвал куйидаги маълумотлар асосида тузидган: Итоги Всесоюзной переписи населения 1959 г. Узбекской ССР. М.; 1962 г. С.24; Численность населения Республики Узбекистан на 1 января 1995 г. Ташкент, 1995 г. С.63-69. Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ривожланиш. Тошкент, 2001. 51 б.

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 2000 йилда Навоий ва Наманган вилоятларида аёллар салмоғи бир оз эркакларга қараганда пастроқ. Бу ҳол Навоий вилоятининг Зарафшон, Учқудук шаҳарларида эркакларнинг кўплиги бўлса, Наманган, Сурхондарё Сирдарё вилоятларида аёллар ўлимининг бир мунча юқорироқ бўлганидир.

Тошкент шаҳрида эса 1959 йили аёллар салмоғи 54,2 %ни ташкил этган. Маълумки, Тошкент шаҳрига иккинчи жаҳон уруши даврида СССРнинг Европа қисмидан кўплаб аёллар эвакуация қилинган. Бу аёлларнинг аксарияти урушдан кейин ҳам қолиб кетган ва Тошкент шаҳар аҳолисининг жинсий таркибига таъсир кўрсатган. Фақат Тошкент шаҳри аҳолиси миқдорида аёллар салмоғи республиканинг ўртача кўрсаткичидан ҳамда бошқа вилоятлар кўрсаткичларидан юқорироқ бўлиб, 51,9 %га тенг бўлган (1995 йил). Бунинг асосий сабаби шаҳар аҳолисининг миллий таркибига боғлиқдир. Тошкент шаҳри аҳолисининг 40-45 %ини руслар ва бошқа миллатлар ташкил этиб, уларда аёллар миқдори эркакларга қараганда бир мунча юқори бўлган.

Бундан ташқари, шаҳар жойларида эркаклар ўлими қишлоқ жойларига қараганда бир мунча юқоридир. Айниқса, бу ҳолат 50 ёшдан ошган эркаклар орасида кўпроқ кузатилади. Масалан, 1989 йили Ўзбекистонда ҳар 1000 та 50-54 ёшдаги эркакларнинг қишлоқда 10 таси ўлган бўлса, шаҳарда 13 таси ўлган [3]. Бу ёш гуруҳларида эркаклар ўлим кўрсаткичининг юқорироқ бўлиши, асосан, уларнинг турли хил оғир ишларда ишлаши, шунингдек, спиртли ичимликлар ичиш, чекиш каби зарарли одатларга мойиллигидан бўлиб, бу кўп ҳолларда

юрак, қон айланиш тизими, нафас олиш органлари касалликларига олиб келади, айнан шу касалликлар бўйича ўлим ҳоллари эркакларда кўпроқ учрайди.

Аҳолининг жинсий таркибиди 15-19, 20-24, 25-29 ёш гуруҳлари алоҳида аҳамиятга эга, чунки аҳоли, асосан, ана шу ёшларда никоҳга кириб, оила куради. Бу даврда Ўзбекистонда эркакларга қараганда аёллар миқдорининг бироз юқорилиги аҳолининг 35-39 ёш гуруҳларидан бошлаб кузатилган.

Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида, вилоятларида аҳолининг жинсий мутаносиблиги ижобий ўзгаришлар билан шаклланиб келди. Айниқса, давлатимизнинг болага, оилалар саломатлигига бераётган эътибори яна ҳам кучайди. Она ва бола саломатлиги – Ўзбекистон давлати олиб бораётган сиёсатнинг асосий мақсадига айланди. оила ва авлод саломатлиги учун қатор дастурлар ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этилиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Ўзбекистонда аёлларнинг, оналарнинг соғлигини асраш ва мустаҳкамлаш ҳамиша ҳукуматнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Натижада, аёллар орасида ўлим ҳоллари кескин қисқариб, уларнинг умр кўриш даври 2-2,5 мартага ошди. Республикада ўртача умр кўриш ёши 70-72 (2000 й.) ёшни ташкил қилган. Ўзбекистонда аёллар турмуш тарзини яхшилашни, уларнинг оилада ва жамиятда тутган ўрнига катта эътибор берилиши, аҳоли таркибиди аёллар салмоғининг ошиб, нормал даражада бўлишига сабаб бўлди. Республикада ҳозирги даврда аёллар ва эркаклар салмоғи деярли тенг бўлиб, ўлканинг демографик вазиятига, яъни никоҳга кириши ва оилалар ташкил топишида ижобий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

#### **4. Хулосалар:**

Ўзбекистон аҳолисининг ёш-жинсий таркиби мамлакатнинг тарихий тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий шароитлари ва демографик жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида оғир ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва тиббий хизматнинг етишмаслиги сабабли туғилиш юқори бўлса-да, ўлим даражаси ҳам юқори бўлиб, аҳоли сони секинлик билан ўсган.

1917-1939 йилларда инқилоб ва ижтимоий ўзгаришлар натижасида тиббий хизмат ривожланиб, аҳолининг турмуш сифати бирмунча яхшиланди. Бу даврда аҳоли ўртасида ўлим кўрсаткичининг камайиши, айниқса, аёллар ва болалар ўртасида ўлим даражасининг пасайиши ҳамда аҳолининг ўртача умр кўриш ёшини узайиши аҳоли табиий ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Ўзбекистон аҳолиси йилига ўртача 0,4 %га кўпайган бўлса, 1917-1939 йиллар бу кўрсаткич 1,7 %ни ташкил этган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида (1940-1945 йиллар) эркаклар ўлимининг кўпайиши жинсий мутаносибликка салбий таъсир кўрсатиб туғилиш даражасининг сезиларли даражада камайишига олиб келди.

1946-1990 йилларда аҳолининг иқтисодий-ижтимоий шароити яхшиланиб борди. Бу даврда туғилишнинг юқори даражада бўлиши аҳолининг табиий ўсишига таъсир кўрсатди.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги йилларида давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсат кўп соҳаларда ижобий натижалар бермоқда, шунингдек, демографик жараёнларда, айниқса, аҳолининг жинсий ва ёш таркиби мувозанатлашиб бориши, аҳоли соғлигига эътибор кучайиб, ўртача умр давомийлиги ошгани бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистонда аҳоли таркибининг шаклланиши жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, келажакда демографик жараёнларни тартибга солиш учун муҳим илмий асосдир.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Акушерство, гинекология. 1930. - № 2. 133 с. (Obstetrics and Gynecology. 1930. No. 2. 133 p. [In Russian])
2. Брачность, рождаемость, смертность в России и СССР. – М.: “Статистика”, 1977. 207 с. (Marriage, Birth Rate, and Mortality in Russia and the USSR. Moscow: Statistics, 1977. 207 p. [In Russian])

3. Бўриева М.Р., Оилада нечта фарзанд бўлгани маъқул. – Тошкент, 1995. – Б.6, 12. (Buriyeva M.R., How Many Children Are Preferable in a Family. Tashkent, 1995. pp.6, 12. [In Uzbek])
4. Буриева М.Р. Рождаемость в Узбекистане. – Ташкент, 1991, с.9, 15. (Buriyeva M.R., Birth Rate in Uzbekistan. Tashkent, 1991. pp. 9, 15. [In Russian])
5. Бўриева М.Р., Эгамова Д.И. Дунё аҳолиси ривожланиш жараёнлари. - Тошкент, 2008. Б.89. (Buriyeva M.R., Egamova D.I., Processes of Population Development in the World. Tashkent, 2008. 89 p. [In Uzbek])
6. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. - Тошкент, 1997 йил. 57 б. (Buriyeva M.R., Family Demography in Uzbekistan. Tashkent, 1997. 57 p. [In Uzbek])
7. Демографический ежегодник – СССР. 1990 год, 366 с. (Demographic Yearbook – USSR. 1990. 366 p. [In Russian])
8. Караханов М.Р. Некапиталистический путь развития и проблема народонаселения. – Ташкент, 1979. (Karakhanov M.R., Non-Capitalist Development Path and the Problem of Population. – Tashkent, 1979. [In Russian])
9. Махмудов Н.М. Очерки истории развития внутренней медицины в Узбекистане. – Ташкент, 1969. С.38. (Makhmudov N.M., Essays on the History of Internal Medicine Development in Uzbekistan. Tashkent, 1969. p.38. [In Russian])
10. Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. Путь развития и проблемы народонаселения. – Ташкент, 1983 год. С.116–121. (Mullajanov I.R., Demographic Development of the Uzbek SSR. Path of Development and Population Problems. Tashkent, 1983. pp. 116-121. [In Russian])
11. Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. - Ташкент, 1997. – С.57-70; 166-169. (Mullajanov I.R., Demographic Development of the Uzbek SSR. Tashkent, 1997. pp. 57-70; 166-169. [In Russian])
12. Народонаселение и экономика. М., 1967. С.85. - Ташкент, 1997. С.57-70. (Population and Economy. Moscow, 1967. p.85. – Tashkent, 1997. pp. 57-70. [In Russian])
13. Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси. – Тошкент, 1997. 358 б. (Encyclopedia of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent, 1997. 358 p. [In Uzbek])

# ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 3 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 3

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000